



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ
ҚАРОРИ

2020 йил 25 февраль

13/03-6-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 декабрдаги мамлакат ёшлари билан учрашувда ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш яшаш, ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш борасида белгилаб берилган долзарб вазифаларнинг ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 декабрдаги мамлакат ёшлари билан учрашувда қайд этилган топшириқларни амалга ошириш, ёшларнинг бандлик даражасини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни белгилаш, сектор раҳбарлари томонидан ёшлар билан доимий мулоқот қилиш амалиётини жорий этиш тўғрисида халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси З.Мирзаевнинг маърузасини тинглаб, билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрация топшириқлари (05.02. №РА 1/1-154; 21.02.2020 й. №РА1/1-228) раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоятда 2020 йил I ярим йилликда ишсиз ёшлар (18-30 ёш) бандлигини таъминлаш бўйича “Манзилли режа” **1-иловага**;

Марказий банкнинг вилоят бошқармаси томонидан (тижорат банклари билан биргаликда) 2020 йилда ишсиз ёшлар (18-30 ёш) бандлигини таъминлаш бўйича ажратиладиган кредит маблағлари миқдори **1-а иловага**;

бошқарма, идора, ташкилот ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан 2020 йил I ярим йилликда ишсиз ёшлар (18-30 ёш) бандлигини таъминлаш режаси **2-иловага**;

вилоятда 2020 йил I ярим йилликда ёшларни бандлик даражасини ошириш бўйича “Йўл харитаси” **3-иловага**;

ёшларнинг бандлик даражасини ошириш дастурини амалга ошириш схемаси **4-иловага**;

ёшларнинг бандлик даражасини ошириш масалаларида тизимли иш ташкил этиш бўйича Ишчи гуруҳи таркиби **5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят ҳокимлигида Ёшларнинг бандлик даражасини ошириш бўйича ишчи Штаб таркиби тасдиқланганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қашқадарё вилояти Халқ қабулхонаси ҳузурида мониторинг Штаб фаолияти йўлга қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Вилоят ҳокимлигида ҳузуридаги ишчи Штаб икки кун муддатда:

вилоятнинг “Манзилли режа” ва “Йўл харитаси” асосида ишсиз ёшларнинг бандлик даражасини ошириш бўйича ҳар бир секторлар, идора, ташкилот ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари томонидан **2020 йил I ярим йилликда** амалга ошириладиган ишлар юзасидан “Тармоқ жадвал” (сетевой график);

ҳокимлар, секторлар, Халқ қабулхоналари, тегишли ташкилотлар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари томонидан ёшлар билан ҳар ойда “Учрашувлар ташкил этиб бориш жадвали” ишлаб чиқилсин.

5. Вилоят Бандлик бош бошқармаси, Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси билан биргаликда:

аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш дастури доирасида ташкил этилган иш ўринларига ишсиз ёшларни жалб қилиш орқали уларни бандлигини таъминлаш;

ишсиз ёшларни муносиб иш топишларига кўмаклашиш мақсадида ҳудудларда ёшлар учун ихтисослаштирилган бўш (вакант) иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиш;

ишсиз ёшларни Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан вақтинчалик ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш орқали бандлигини таъминлашда кўмаклашиш;

чекка ҳудудларда шахсий томоркани ривожлантириш учун енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, уруғликлар, кўчатлар ва суғориш воситалари харид қилиш учун ишсиз ёшларга субсидиялар ажратиш чораларини кўрсин.

6. Марказий банкнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси тижорат банклари билан биргаликда, 2020 йил I ярим йилликда ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида “Ёшлар келажакимиз” ва “Ҳар бир оила тадбиркор” дастурлари доирасида имтиёзли кредит маблағлари ажратилишини таъминласин.

7. Ёшларнинг бандлик даражасини ошириш масалаларида тизимли иш ташкил этиш бўйича ҳудудларга бириктирилган **Ишчи гуруҳи, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари**, тегишли бошқарма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари биргаликда **ҳар бир туман (шаҳар)** кесимида:

икки кун муддатда, ишсиз ёшлар рўйхати секторлар кесимида шакллантирилган ҳолда, ишлаб чиқилган “Манзилли режа” ва “Йўл харитаси” Халқ депутатлари ҳудудий Кенгашлари йиғилишида тасдиқлансин;

тасдиқланган “Манзилли режа” ва “Йўл харитаси” асосида **бир кун** муддатда амалга ошириладиган ишлар юзасидан “Тармоқ жадвал” (сетевой график) ва **икки кун** муддатда секторлар, Халқ қабулхоналари, тегишли ташкилотлар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари томонидан ёшлар билан ҳар ойда “Учрашувлар ташкил этиб бориш жадвали” ишлаб чиқилсин.

8. Ҳокимлар, сектор раҳбарлари ҳудудларга бириктирилган Ишчи гуруҳ аъзолари ҳамда барча корхона, ташкилот ва муассасалари билан биргаликда:

ҳар ой якуни билан ёшларнинг меҳнат бандлик даражасини ошириш бўйича ишга жойлаштирилган ёшларни ҳаққонийлигини солиқ (ИНН) ва пенсия жамғармаси (ИНПС) маълумотлари асосида таҳлил қилиб борилсин;

бир ой муддатда 4-сектор штаблари фаолиятини тартибга олиш;

ҳар ой якуни билан сектор раҳбарларининг жойлардаги Халқ қабулхоналарига “Ёшлар сиёсати” борасидаги маълумотларни киритиб бориш;

ҳар ой якуни билан туман (шаҳар) ҳокиликларида “Ишчи штаблари”, халқ қабулхоналарида “Ишчи гуруҳлар” ташкил этилсин;

бир ой муддатда сектор штабини тўлиқ қайтадан кўриб чиқиш ва котибларини масъулиятини ошириш;

ёшларни бандлигини таъминлаш бўйича барча тойифадаги раҳбарларга фамилияси билан аниқ бўлиб бериш ва қаттиқ назоратга олиш;

ёшларни туризм соҳасида бандлигини таъминлаш;

бир ой муддатда туман (шаҳар) бўйича иқтидорли ўқувчиларни ҳар бир маҳалла кесимида таҳлил қилиш;

икки ой муддатда туман (шаҳар) ҳудудларидан чет элга чиқиб кетган ёшларни манзилли рўйхатини шаклантириш ва назоратга олинсин.

9. Ҳудудларда ташкил этилган Ишчи Штаблар, ҳудудларга бириктирилган Ишчи гуруҳи аъзолари Халқ қабулхоналари мудирлари билан биргаликда:

туман (шаҳар)ларга чиқиб, “Тармоқ жадвал” ва “Учрашувлар ташкил этиб бориш Жадвали” асосида ҳоким, секторлар, идора, ташкилот ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари томонидан ёшларнинг бандлик даражасини ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар **ҳар ой** мониторинг қилинсин, амалий кўмаклар берилсин;

ҳар чорак якуни билан туман (шаҳар)ларда ташкил этилган амалий ишлар бўйича ҳокимлар, секторлар, идора, ташкилот ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг ҳисоботларини Халқ депутатлари ҳудудий Кенгашларига тақдим этилиши таъминлансин.

10. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари ҳудудларга бириктирилган Республика ишчи гуруҳи аъзолари иштирокида **ҳар чорак** якунида йиғилиши ўтказиб, ҳокимлар, секторлар, тегишли ташкилотлар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ҳисоботи эшитилиб, муҳокама қилинсин.

11. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари ва вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, ҳудудларга бириктирилган **Ишчи гуруҳи** таркибидаги барча бошқарма, идора, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ёшларнинг бандлик даражасини ошириш бўйича “Манзилли режа” ва “Йўл харитаси”нинг ижросини сўзсиз таъминланишига шахсан масъулликлари белгилаб қуйилсин.

12. Вилоят **Ишчи Штаб (лавозими бўйича)** ҳудудларга бириктирилган Ишчи гуруҳи раҳбари ва вилоят Халқ қабулхонаси мудирини билан биргаликда ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифаларни бажарилишида сустраскашликка йўл қўйган ҳокимлар, секторлар, ташкилотлар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларига тегишли чоралар кўриш бўйича Президент Администрациясига таклифлар киритиб бориши инобатга олинсин.

13. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари раислари зиммасига юклатилсин.

14. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси



З.Мирзаев